

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.06.2021.Т.126.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

РАЗЗАҚОВ БАХОДИРЖОН АБДУРАХМОНОВИЧ

**ПУШТА ОЛГИЧ-ЎҒИТЛАГИЧНИНГ КОНСТРУКЦИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УНИНГ АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИНИ
АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ
хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Раззақов Баходиржон Абдурахмонович Пушта олгич-ўғитлагичнинг конструкциясини ишлаб чиқиш ва унинг асосий параметрларини асослаш.....	5
Раззақов Баходиржон Абдурахмонович Разработка конструкции и обоснование основных параметров гребнеобразователя-удобрителя	19
Razzaqov Bahodir Abdurahmonovich Development of the design and substantiation of the main parameters of the bedder-fertilizer.....	35
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	38

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.06.2021.Т.126.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

РАЗЗАҚОВ БАХОДИРЖОН АБДУРАХМОНОВИЧ

**ПУШТА ОЛГИЧ-ЎҒИТЛАГИЧНИНГ КОНСТРУКЦИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УНИНГ АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИНИ
АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари.
Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2023

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация
комиссиясида В2022.4.PhD/Т3356 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида
бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш
веб-саҳифаси www.andqhai.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Худойбердиев Толибжон Солиевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий ошноситлар:

Байбобоев Набижон Гуломович
техника фанлари доктори, профессор

Худойбердиев Тоҳиржон Латифович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

“Андижон машинасозлик институти”

Диссертация ҳимояси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтини
ҳузурдаги илмий даражалар берувчи PhD.05/30.06.2021.Т.126.02 рақамли илмий
кенгашнинг 2023 йил «24» 03 соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтди
(Манзил: 170600, Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйган ёр, Олийгоҳ кўчаси 1-уй.
Тел./факс: +998(74) 373-13-63, e-mail: admission@andqhai.uz).

Диссертация билан Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтини
Ахборот-ресурс марказида таъинини мумкин (62401) рақамли билан рўйхатга олинган).
Манзил: 170600, Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйган ёр, Олийгоҳ кўчаси 1-уй.
Тел./факс: +998(74) 373-13-63, e-mail: admission@andqhai.uz.

Диссертация автореферати 2023 йил « 7 » 03 куни тарқатилди.
(2023 йил « 7 » 03 даги № 8 рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

Р.Ж. Тожиен

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
Урпақбери, техника фанлари доктори, профессор

А.К. Игамбердиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, техника фанлари доктори, профессор

К.Қосимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ўғитларни ўсимлик илдизлари ривожланадиган зонага белгиланган миқдорда солиш технологияси ва техника воситаларини такомиллаштириш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Минерал ўғитларни ўсимлик илдиз тизими ривожланадиган зонага солиш уларнинг самарадорлигини 10-30 % орттириш ва ўғитлаш миқдорини 10 % камайтириш имконини беради¹. Дунё миқёсида қарийб 900 млн. гектар майдонда турли хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиши², шундан 118 млн. гектар майдонда чопиқ талаб экинлар парваришланишини³ ҳисобга олсак иш сифати ва унуми юқори ҳамда тупроққа ишлов бериш билан бир вақда ўғитлаб пушта оладиган энергия-ресурстежамкор машина ва қурилмаларни амалиётга кенг жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан пушта кенглиги бўйича турли қатламда минерал ўғитларни кенгайтирилган шаклда соладиган энергия-ресурстежамкор техника воситалари ва қурилмаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда ўсимликларни озиқлантириш учун ўғит солишнинг ресурстежамкор технологиялари ва уларни амалга оширадиган техника воситаларининг янги илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада минерал ўғитларни пуштага уни кенглиги бўйича турли қатламда кенгайтирилган шаклда соладиган машина ва унинг иш органларининг конструктив схемасини ишлаб чиқиш ва технологик жараёнларини асослаш, уларнинг ўғит ва тупроқ билан таъсирлашиш жараёнларида ресурстежамкорликни таъминлашга доир илмий изланишларни амалга ошириш долзарб ва ечилиши зарур масалалардан ҳисобланади.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, қишлоқ хўжалик экинларини илғор технологиялар асосида етиштириш ва юқори унумли қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқиш ва қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030-йилларга мўлжалланган стратегиясини ҳамда 2022-2026 йилларга мўлжалланган «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»да, «Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш...» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда жумладан, экин майдонини экишга тайёрлаш бўйича барча технологик жараёнлар (тупроқни юмшатиш, зичлаш ва дала юзасида майин тупроқ қатламини ҳосил қилиш, ўғитни ўсимлик илдиз тизими ривожланадиган зонага солиш)ни кўшиб бажарадиган комбинациялашган машина ишлаб чиқиш ва ишчи қисмларининг талаб даражасидаги иш сифатини кам энергия сарфлаган ҳолда таъминлайдиган параметрларини асослаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

¹<http://www.nrcs.usda.gov>, <http://cropwatch.unl.edu/tillage/ridge>

²<https://www.moluch.ru>, <https://www.zerno-ua.com>.

³<https://latifundist.com/spetsproekt/240-lokalno-lentochnoe-differentsirovannoe-vnesenie-udobrenij>.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ва 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устивор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалигида ўғитлаш, пушта олиш ва пушта остига қатламлаб ўғитлаш қурилмаларининг технологик иш жараёнларининг тадқиқ қилиш ва уларнинг конструкциясини такомиллаштириш ҳамда иш органларининг параметрларини асослаш бўйича хорижда П.Р.Балабанов, А.Н.Филипов, М.Г.Догановский, Ж.А.Путинцева, В.И.Черников, Л.С.Гольшев, Г.М.Киселев ва бошқалар шуғулланишган.

Хусусан ўғитлаш билан бирга пушта олиш қурилмаларини яратишга уларни такомиллаштириш бўйича республикамизда А.Х.Хаджиев, Г.М.Рудаков, Е.И.Пономарев, А.Қ.Дадахаджаев, Т.Хидиров, С.Хусаинов, Ф.Маматов, А.Шодиев, З.Ботиров, А.Н.Худояров, М.Х.Мамадалиев, Н.М.Комилов ва бошқа олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Бу тадқиқотлар асосида яратилган машина ва қурилмалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян натижаларга эришилган бўлсада, улар томонидан пушта олиш билан бир вақтда минерал ўғитни пушта кенглиги бўйича қатламлаб солиш технологияси етарли даражада ўрганилмаган.

Шу билан бирга яратилган қурилмаларнинг миқдорлагичларини аниқ, ишончли ишлаши бўйича етарли тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг КХА-3-005-2015 «Ўза қатор ва очик майдонларга дон уруғини экувчи ресурстежамкор универсал сеялкалар конструкциясини яратиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тупроқ юзасини юмшатиб, олинадиган пуштанинг пастки қатламига пушта кенглиги бўйича, юқори қатламига эса тасмали ўғит соладиган пушта олгич ўғитлагич машинасининг конструкциясини ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш йўли билан иш

сифатини ошириш ҳамда сарф ҳаражатларни камайтиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўғитлаш ҳамда пушта олиш жараёниларини таҳлил этиш асосида пушта олиш билан бир вақтда минерал ўғитни пушта кенглиги бўйича қатламлаб соладиган машина конструкциясини ишлаб чиқиш;

пушта олгич-ўғитлагич машинасининг иш органларини параметрларини назарий тадқиқ этиш;

пушта олгич-ўғитлагич машинасининг иш органларини параметрлари ҳамда ҳаракат тезлигини агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш;

ишлаб чиқилган пушта олгич-ўғитлагичнинг хўжалик синовларини ўтказиш ва техник иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тупроққа ишлов бериш билан бир вақтда пушта олиб ушбу пушта остига пушта кенглиги бўйича икки қатламда кенгайтирилган шаклда ўғитни солишнинг энергия-ресурстежамкорпушта олгичўғитлагич машинаси ваунинг асосий иш органлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ишлаб чиқилган ўғитлагич–пушта олгич иш органларининг тупроқ билан таъсирлашиш жараёни ва унинг параметрларини аниқлаш имконини берадиган аналитик боғланишлар, машинанинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларини иш органлари параметрлари ҳамда ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятларидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида олий математика ва назарий механика, математик статистиканинг қонун ва қоидалари, экспериментларни математик режалаштириш усуллари ва мавжуд меъёрий ҳужжатларда (О'з РН 63.07:2001, О'з DST 3412:2019 ва РД Уз 63.03-98) келтирилган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пушта олгич-ўғитлагич машинасининг конструкцияси пушта олиш ва ўғитлашга қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

пуштага қатламлаб ўғит солувчи иш орган параметрларини аниқлаш имконини берадиган ифодалар ўғит ва тупроқ хоссаларини ҳисобга олган ҳолда асосланган;

иш органларнинг ишлаш режимларига боғлиқ равишда пушта олгич-ўғитлагичнинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларини ўзгариш қонуниятлари аниқланган;

ишлаб чиқилган машина параметрлари ўғитларни ўсимлик илдизлари ривожланадиган қатламга қўйилган талаб даражасида солишда тортишга бўлган қаршилик минимал бўлишини ҳисобга олган ҳолда асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пушта олгич-ўғитлагични ўғитни пушта кенглигида ғўза илдизи ривожланадиган зонага соладиган иш органининг конструкцияси ишлаб чиқилган (№ҒАР 01987) ҳамда унга ўрнатилган ўғитлагич юмшатгич (№ҒАР 02040) ва эгат очгич иш органлари кам энергия сарфлаган ҳолда юқори иш сифатини таъминлайдиган параметрлари асосланган;

асосланган параметрларга эга бўлган пушта олгич-ўғитлагич фермер хўжаликларида қўлланилганда ўғитларнинг самарадорлигини ошириш, меҳнат сарфи ва умумий харажатларни камайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг самарали усуллар ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро мослиги, ишлаб чиқилган пушта олгич-ўғитлагични дала синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шудгорланиб текисланган майдонларга пушта олгич-ўғитлагич ўғитларни пушта кенглигида ғўза илдизи ривожланадиган зонага солинишини таъминлайдиган иш органининг сифат ва энергетик кўрсаткичлари унинг параметрларига боғлиқлигини ифодаловчи аналитик боғланишлар олинганлиги ва улардан бошқа шунга ўхшаш қурилма ва иш органларини тадқиқ этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Ишлаб чиқилган иш органлари билан жиҳозланган пушта олгич-ўғитлагич қўлланилганда эксплуатацион харажатлар ва меҳнат сарфини камайишига эришилганлиги олинган натижаларнинг амалий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пушта олгич-ўғитлагич машинасининг иш органини параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

пушта олгич-ўғитлагич машинаси (№FAP 01987) ва иш органи (№FAP 02040) учун фойдали моделга 2 та патент олинган, дастлабки талаблар ва техник топшириқ ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 22 сентябрдаги №07/24-04/6798-сонли маълумотномаси). Натижада пушта олгич-ўғитлагич машинаси яратилган;

пушта олгич-ўғитлагичнинг тажриба нусхаси Андижон вилояти Андижон, Олтинкўл ва Балиқчи туманлари фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 22 сентябр № 07/24-04/6798-сонли маълумотномаси). Натижада пушта олгич-ўғитлагич қўлланилганда меҳнат сарфи 10,67 фоизга ва умумий харажатлар эса 10,98 фоизга камайишига эришилган;

пушта олгич-ўғитлагичнинг саноат нусхаларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш учун унинг лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази» МЧЖ да лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 22 сентябрдаги № 07/24-04/6798-сонли маълумотномаси). Натижада пушта олгич-ўғитлагични ишлаб чиқариш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган. Иш тўлиқ

ҳажмда Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг илмий-техник кенгашида муҳокамадан ўтган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан 2 та фойдали моделга патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Масалани қўйилиши. Тадқиқот мақсади ва вазифалари**» деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айниқса пахта етиштиришда минерал ўғитлар қўллашнинг агротехник асослари келтирилган, ўғит солишда қўлланиладиган техника воситалари ҳамда экиш билан бирга ўғит солувчи техник воситалар, эрта баҳорда ва кузда пушта олиш билан бирга ўғитни солувчи ҳамда пуштанинг бир, икки ёки ундан ортиқ қатламларига ўғит солувчи техника воситалари ва уларни иш органларининг, минерал ўғитларни солишни механизациялаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар шарҳлари ўтказилган ва улар асосида минерал ўғитларни солишга қўйиладиган агротехника талаблари ҳамда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда пахта етиштиришда минерал ўғитлар ўсимлик илдизлари ривожланадиган тупроқ қатламига пушта кенглигида солишни таъминловчи технология ва техник воситаларни янги намуналарини яратиш, иш жараёнида ресурстежамкорлигини таъминлаш мақсадида такомиллаштиришнинг илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Тадқиқотлар натижаларини ўрганишда экинлар ҳосилдорлигини орттиришда минерал ўғитларнинг аҳамияти, уларнинг асосий қисмини кузда пушта олишда, қолган қисмини экиш билан бирга солишининг самарадорлигини, ўғитларни пушта олишда қатламлаб солувчи техник воситалари, пушта олувчи ва қатламлаб солиш учун ишлаб чиқилган ишчи

куроллар, қатламларга ўғитни солиш усуллари таҳлил қилинди. Олинган таҳлил натижалари ўғитларни пастки қатламга солишдаги ўлчамларининг пахта ҳосилига таъсири етарли даражада ўрганилмаганлигини кўрсатди.

Ўғитни пуштага ҳар хил шаклда солиш ўрганилган. Лекин пушта асосига кенгайтирилган ҳолда солиш етарли даражада ўрганилмаган, тажрибалар ҳам ўтказилмаган. Ўғитни пуштага кенгайтирилган шаклда солиш учун махсус тажрибалар ўтказиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.

Ўрганилган услубларнинг таҳлиliga ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига асосланган ҳолда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Пушта олгич-ўғитлагичнинг конструкцияси ва технологик иш жараёни**» деб номланган иккинчи бобида тупроқ ва ўғитнинг физик-механик хоссаларини, пушта қатламларига минерал ўғитни солиш усуллариининг самарадорлигини ўрганиш ҳамда пушта олгич-ўғитлагич машинасининг конструкциясини ишлаб чиқиш ва технологик иш жараёнини асослаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Ўтказилган тадқиқот натижалари экин экиладиган майдонлар тупроғининг меъёрдаги зичлиги $0,9-1,2 \text{ g/cm}^3$ ни, ишлов бериш жараёнида намлиги 16–18 % ни, қаттиқлиги эса чўзилишга 5–6 кРа, силжишга 10–12 кРа, сиқилишга 65–108 кРа бўлишини кўрсатди. Ўғитни солиш ва уни амалга оширувчи техник воситаларини яратиш учун уларнинг физик-механик хоссаларини билиш асосий вазифа бўлиб ҳисобланади. Пуштага қатламлаб ўғит солиш усуллариининг самарадорлигини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, анъанавий усулга нисбатан кузда олинган пуштага икки қатламда, пастки қатламга пушта кенглигида ўғит солиш усули пахта ҳосилдорлигини ортганлигини кўрсатди.

Ўтказилган адабиётлар шарҳи ва изланишлар таҳлили ҳамда дастлабки тадқиқот натижалари асосида пушта кенглигида қатламлаб ўғит солиш технологияси ва уни амалга оширувчи пушта олгич-ўғитлагич машинаси ишлаб чиқилди (1-расм). Ушбу машина бункери остига ўрнатилган миқдорлагич, ўғит ўтказгич, машина рамасига маҳкамланадиган устунлар ва уларнинг пастки учига ўрнатилган ўқёйсимон панжали ўғитлагич ҳамда тигли юмшатгичли ўғитлагичдан иборат.


Миқдорлагичга ҳар бир иш органилари алоҳида ўғит ўтказгичлар орқали бириктирилган ҳамда уларни ҳар бир иш органига тушаётган ўғитни алоҳида созлаш имконини беради. Пушта олгич-ўғитлагичнинг рамаси олдида, ҳар бир олинаётган пушта остига пушта кенглигида қатламлаб ўғитлаш учун пастки қатламга учта иш органи пушта кенглигида ўғит ташлайди, юқори қатламга эса тўғридан тўғри ўтказгич орқали ўғитни иккита параллел кенг тасмасимон усулда ташлайди.

Пушта остига ўғитни кенг шаклда ўғитловичи иш органидан кейин жойлаштирилган пушта олгич иш қисмлар пушта олиш жараёнида ўғитлагичдан тушган юқори қатламга ер бетига иккита кенг тасма бўлиб тушган юқориги ўғит қатламини тупроқ билан кўмиб, ўғитланган пуштани шакллантиради. Шундай қилиб, пушта олиш билан бирга бир йўла икки

катламга ўғит солинади.

Бунда юқоридаги ўғит қатлами экиш олди миқдорини ташкил этса, пастки қатлам ўғитнинг асосий миқдори бўлади ва ўсимлик томонидан кейинчалик секин-аста ўзлаштирилади.

Пушта кенлиги бўйича ўғит солиниши керак бўлган 5 та жой, жумладан пушта асосига, яъни биринчи қатламнинг марказий қисмига ва унинг икки ёнига тасмасимон ҳамда пуштанинг иккинчи қатламига вертикал ўқининг симметрияси бўйича икки ён томонига ҳам тасмасимон шаклда солинади. Пушта асосига учта юмшатгич-ўғитлагич иш органлари ёрдамида солинади. Иккинчи қатламига, яъни бу қатлам пушта олиниши керак бўлган тупроқнинг юзасига тўғри келгани учун иккита ўғит ўтказгич томонидан тўғридан-тўғри солинади (2-расм).




2-расм. Пушта кенлиги бўйича ўғитни икки қатламга солиш технологияси

Пушта олгич-ўғитлагич машинаси учун қабул қилинган пушта олгичини асосий параметрлари асосланди, бунда унинг кўкрагининг баландлигини унинг тупроққа ботиш чуқурлигининг маълум қиймати бўйича қуйидаги ифодадан фойдаланиб аниқланди, яъни:

$$H_k > (1 + \kappa) \cdot h \quad (1)$$

Ифодага h ни аниқланган қийматини қўйиб $\kappa=0,5$ қабул қилиб, кўкрак баландлиги 22,8 см дан катта бўлишлиги аниқланди. Шундан келиб чиққан ҳолда $H_k=30$ см га тенг деб қабул қиламиз.



1-бункер; 2-миқдорлагич; 3-ўғит ўтказгич; 4-рама; 5-ўқёйсимон панжалиўғитлагич; 6-тиғли юмшатгичли ўғитлагич; 7-таянч ғилдирак; 8-пушта шаклини берувчи эгат очгич.

1-расм. Пушта олиш билан бир вақтда ўғитни қатламлаб соладиган пушта олгич-ўғитлагич машинаси

Демак, бункер остига ўрнатилган миқдорлагичлардан, яъни 1 ва 2 ҳамда 3-миқдорлагичлардан ўғитлар пуштанинг асосига (биринчи қатламга), 4 ва 5 миқдорлагичлар пуштанинг иккинчи қатламига ўғитни тақсимлайди.

Диссертациянинг «Назарий тадқиқотлар» деб номланган учинчи бобида пушта олгич-ўғитлагич машинасининг пушта олгич, тиғли ва ўқёйсимон юмшаткичли ўғитлагичлар ва ўғит миқдорлагичларни параметрларини асослаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Пушта олгични қанотларининг очилиш бурчагини қуйидаги ифода орқали аниқланди:

$$\gamma_k = \frac{\pi}{4} - \frac{\varphi}{2} \quad (2)$$

Ифодага φ нинг маълум қийматларини ($25-30^\circ$) қўйиб, қанотларини очилиш бурчаги $2\gamma_k=60-65^\circ$ оралиқда бўлишлигини аниқлаймиз.

Пушта олгичнинг тупроққа кириш бурчагини қуйидаги шартдан фойдаланиб аниқлаймиз:

$$\alpha_k + \varphi < 90^\circ \quad (3)$$

(3) ифодани α_k га нисбатан ечиб ва олинган ифодага φ нинг қийматини қўйиб $\alpha_k=40-45^\circ$ бўлишлигини аниқлаймиз.

Бундан ташқари пушта олгичнинг қанотларининг ён қирқилиш бурчаги ҳамда кенглиги аниқланди. Пушта олгичнинг қанотларининг ён қирқилиш бурчаги $26-30^\circ$, қанотларининг кенглиги камида $84,6$ см, корпусининг узунлиги $72,8$ см бўлиши кераклиги аниқланди.

Пушта қатламига ўғит солиш билан тупроқ юзасининг юмшатилишини таъминлаш учун ўқёйсимон панжали ўғитлагичишлаб чиқилди ҳамда ЎЗР. Интеллектуал мулк агентлигидан фойдали моделга (FAP №02040) патент олинди (3-расм).

Ўқёйсимон панжали ўғитлагични қанотларини очилиш бурчаги қуйидаги боғлиқлик орқали аниқланди:

$$\gamma = \frac{[\frac{\pi}{2} - \varphi]}{2} \quad (4)$$

Ишқаланиш бурчакларини юқорида келтирилган қийматларини, ҳисобга олсак, панжанинг сирпаниш бурчагининг ўртача қиймати $\gamma=29-31^\circ$ чегарасида бўлишлигини аниқлаймиз. Демак, $2\gamma=58-62^\circ$ чегарасида бўлади.


Ўқёйсимон панжали ўғитлагични тупроққа кириш бурчагини қуйидаги шартдан фойдаланиб аниқлаймиз:

$$Ntg(\frac{\pi}{2} - \alpha) > Ntg\varphi \quad \text{ёки} \quad \alpha_y < \frac{\pi}{2} - \varphi, \quad (5)$$

Тенгсизликка $\varphi_1=30^\circ$ ни қўйсак, $\alpha_y < 60^\circ$ эга бўламиз. Бу катталиқни ўқёйсимон панжали ўғитлагичининг конструктив ўлчамлари орқали аниқласак $\alpha=36^\circ$ бўлади.

Ўқёйсимон панжали ўғитлагичнинг тортишга бўлган қаршилиқларини А.Тўхтақўзиев, Қ.Б.Имомқулов ва И.И.Абдимоминовлар томонидан олинган ифодадан фойдаланган ҳолда аниқлаймиз.

$$R_{yn} = K \cdot B_y (t_{yct} + L \cdot \sin \alpha_y) \{ [1 + \tau(H + h_o)] \cdot (1 + tg\varphi_2 \cdot \sin \alpha_y) [1 + \varepsilon(V_p \cdot V_o)] \} + (B_y \cdot L \cdot \sin \alpha_y + t_{yct} \cdot 0,01 \cdot H) \cdot \rho \cdot \left(\frac{V_p}{3,6} \right)^2 \quad (6)$$




1-ўқёйсимон панжа; 2-устун; 3-ўғит ўтказгич; 4-ўғитни ёйиш пластинаси.

3-расм. Ўқёйсимон панжали ўғитлагичнинг асосий

Ифодага илгари ўтказилган тадқиқотлардан ҳамда қабул қилинган қийматларини қўйиб ҳисоблаганда ишлов бериш чуқурлиги $h=0,13$ m, ўқёйсимон панжани қамров кенглиги $B_{\text{ўп}}=0,2$ m ва ҳаракат тезлиги $V=5-7$ km/h бўлганда тортишга бўлган қаршилик $R_{\text{ўп}}=516-656$ N га тенг бўлиши аниқланди.

Пуштанинг биринчи, пастки қатламига ўғитни кенгайтирилган ҳолатда солиш учун марказга ўрнатилган ўқёйсимон панжали ўғитлагичнинг икки ёнига тиғли юмшатгич ўғитлагичлар ўрнатилади. Улар ёрдамида пуштанинг пастки ўғит 6–7 см кенликда солинади. Тупроқ қатламини юмшатиш билан бирга солинадиган ўғит учун тупроқни ёриб, тирқиш ҳосил қиладиган тиғли юмшатгич ишлаб чиқилди ва уни парметрлари асосланди (4-расм).



$h_{\text{ю}}$ -ишлов бериш чуқурлиги; $\alpha_{\text{ю}}$ -тиғли юмшатгич ўғитлагични тупроқка кириш бурчаги; $2\gamma_{\text{ю}}$ - тиғли юмшатгични ўткирланиш бурчаги; 1-юмшатгич; 2-устун; 3-ўғит ўтказгич; 4-ҳимоя планкаси; 5-ўғит.

4-расм. Тиғли юмшатгич ўғитлагич схемаси ва уни асосий параметрлари

Тиғли юмшатгич ўғитлагични тупроқка кириш бурчагини тўғри танлаш билан унга тўғри келиб қолган бегона ўтларни кесиб ёки сидириб уларни пастка ўтказиб юбориши ҳамда кесакларни кесиб ўтиб кетиши керак. Бунинг учун тиғли юмшатгич ўғитлагич тиғининг тупроқка кириш бурчаги ўтмас бўлиши керак (4-расм), яъни:

$$\alpha_{\text{ю}} > \frac{\pi}{2} + \varphi, \quad (7)$$

Ифода ўсимлик қолдиқлари ёки кесакларни кесиш шarti ҳисобланади. Уларни қийматларини қўйиб ҳисоблаганимизда, $\alpha_{\text{ю}}=140^\circ$ ни ташкил этади.

Тиғли юмшатгич ўғитлагични тиғининг ўткирланиш бурчагини $\beta^l=28$ деб қабул қилинса, тиғнинг олдида тупроқнинг тўпланмаслиги, ёпишмаслиги ва тиғ бўйича бегона ўтларнинг қолдиқларини қирқилиши ёки сирпаниб пастга тушиб кетиши ҳам таъминланган бўлади.

Тиғли юмшатгич ўғитлагични тортишга бўлган қаршилиги қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$R_{\text{ю}} = \frac{2q_m \cdot \delta \cdot h \cdot L_{m\text{из}} (\text{ctg}\beta \cdot \text{tg}\varphi + 1)}{\cos\varphi} \cdot \cos(\beta - \varphi) + 0,5q_m \cdot S \cdot \ell_n \frac{h}{\sin\alpha} \cdot \frac{\cos(\beta + \varphi)}{\cos\varphi} + f \cdot G_c \cdot \ell_n \cdot h \quad (8)$$

Ифодага аниқланган ва қабул қилинган қийматларни, яъни $q_m=4,5 \cdot 10^5$ Н/м³, $\delta=0,001$ m, $h=0,120,13$ m, $\varphi=30^\circ$, $\beta=28^\circ$, $\ell_n=0,13$ m, $L_{m\text{из}}=0,187$ m, $\alpha=140^\circ$, $S=0,03$ m ларни қўйиб тиғли юмшатгич ўғитлагични тортишга бўлган қаршилиги $R_{\text{ю}}=213$ N га тенг эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Экспериментал тадқиқотларнинг натижалари» деб номланган тўртинчи бобида ўқёйсимон панжали ва тиғли юмшатгич


Ўғитлагичларни пушта қатламларига ўғитларни қўйилган талаб даражасида солинишини таъминловчи параметрлари, қўйилган талаб даражасида шакллантирилаётган пуштанинг шакли ва пушта олгич ўғитлагич машинаси иш органларини тортишга қаршилигини аниқлаш бўйича ўтказилган экспериментал тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Пушта олгич ўғитлагич машинасини агротехник ва энергетик кўрсаткичларини аниқлаш бўйича тажрибалар Андижон вилояти Андижон туманидаги «Бободехқон Жўрабой» фермер хўжалигининг такрорий экиндан кейин шудгорланиб текисланган дала майдонида ўтказилди.

Тажрибалар ўтказилган дала тупроғи ўрта-оғир соз механик таркибдаги бўз тупроқ бўлиб, ер ости сувлари 10-12 м чуқурликда жойлашган.

Пушта олгич ўғитлагич иш органларини лаборатория шароитидаги тажрибалар Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти қошидаги «Қишлоқ хўжалик техникалари ўқув саройи» да ўтказилди.

Ўғитлагичлардан тушаётган ўғит кенглиги ва нотекислигини аниқлаш бўйича ўтказилган тажрибалар 5-расмда келтирилган курилма ёрдамида пуштанинг қатламининг марказий қисмига ўқёйсимон панжали ўғитлагич орқали тушаётган ўғитнинг кенглиги ишчи юзаси ҳар хил (қабарик, ботиқ ва текис) шаклдаги тайёрланган пластиналар ёрдамида аниқланди. Олинган натижалар пушта қатламига солинаётган ўғитнинг кенглиги қўйилган талаб даражасида бўлиши учун ўқёйсимон панжали ўғитлагичнинг ичига қабарик шаклдаги пластина ўрнатилиши лозим. Бундан ташқари мазкур курилма ёрдамида пушта асосининг марказий



1-бункер; 2-микдорлагич; 3-микдорлагични айлантргич; 4-ўғит ўтказгич; 5-ҳаракатни узатувчи занжир; 6-ўқёйсимон панжали-ўғитлагич; 7-тиғли юмшатгичли ўғитлагич; 8-лента; 9-рама.


5-расм. Пушта асосининг марказий қисмига ва уни икки томонига солинаётган ўғитнинг кенглигини аниқлаш

қисмининг икки томонига тиғли юмшаткич ўғитлагич томонидан солинган ўғитнинг кенглиги ҳам аниқланди. Олинган натижаларда солинган тасмасимон усулдаги ўғит кенглиги 6–7 см эканлиги аниқланди (5-расм).

Тиғли юмшатгич ва ўқёйсимон панжали ўғитлагичларнинг тортишга қаршилигининг аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба натижалари 6-расмда келтирилган.

6-расмдан кўришиб турибдики, ишлов бериш чуқурлигини ва ҳаракат тезлигини ортиб бориши билан иш органининг тортишга қаршилиги ортиб борган.

Ўғитлагичларни тортишга бўлган қаршилиги белгланган ишлов бериш



- а) тигли юмшаткич ўғитлагич: 1-тигли юмшатгич; 2-устун; 3-ўғит ўтказгич; 4-химоя планкаси.
 б) ўқёйсимон юмшаткич ўғитлагич: 1-ўқёйсимон панжа; 2-устун; 3-ўғит ўтказгич.
 1 ва 2-мос равишда агрегатнинг 5-7 km/h. ҳаракат тезликлари

6-расм. Ўғитлагичларнинг тортишга қаршилигини ишлов бериш чуқурлиги (h) ва ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариши

чуқурлигида агрегат ҳаракат тезлиги 5,0-7,0 km/h бўлганда тигли юмшатгич ўғитлагични тортишга қаршилиги



7-расм. Пушта олгич томонидан олинган пушта

370-500 N ни, ўқёйсимон панжали ўғитлагични тортишга қаршилиги эса мос равишда 470-680 N ни ташкил этди.

Назарий тадқиқотлар асосида аниқланган ва қабул қилинган параметрлар эга бўлган пушта олгич иш органи билан жиҳозланган пушта олгич қурилмасининг конструкцияси ишлаб чиқилди ва қурилманинг тажриба варианты тайёрланиб синовдан ўтказилди (7-расм). Ўтказилган экспериментал тадқиқотлардан олинган

натижалари бўйича пуштанинг ўпирилиш ва тўкилиш бурчакларини ҳисобга олганда унинг баландлигининг ўртача қиймати 28,2 см ва унинг кенлиги 89,7 см ни ташкил қилган бўлиб, қўйилган агротехник талабларга тўла мос келади.

Экспериментал тадқиқотларни ўтказишдан мақсад тупроқ шароитидан келиб чиқиб, ишлаб чиқилган пушта олгич ўғитлагичнинг умумий ва алоҳида иш органларини тортишга қаршилигини аниқлашдан иборат. Чунки мустақил ишловчи ва аниқ вазибаларни бажарувчи, амалиётда мавжуд бўлмаган агрегатнинг конструкцияси ишлаб чиқилганда, унинг тортишга қаршилиги орқали агрегатланиши керак бўлган тракторни танлаш муҳим ҳисобланади. Тракторни тўғри танлаш эса агрегатнинг самарадорлигини белгилайди.

Олинган натижалар 1-жадвалда ўз аксини топган.

Ўтказилган экспериментал синовлар натижасида агрегатнинг тортишга бўлган умумий қаршилиги ишлов бериш чуқурлиги 0,15 sm ва агрегат ҳаракат тезлиги 5,0-7,0 km/h бўлганда мос равишда 12000-15700 N ни ташкил этди.

Диссертациянинг «Пушта олгич-ўғитлагичнинг хўжалик синов натижалари ва иқтисодий кўрсаткичлари» деб номланган бешинчи бобида ишлаб чиқилган пушта олгич-ўғитлагичнинг тажриба нусхасининг қисқача

техник тавсифи, хўжалик синов натижалари ва унинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

1-жадвал

Агрегатнинг тортишга бўлган қаршиликларини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари

№	Кўрсаткичларни номланиши	Агрегат тезлиги km/h	Битта иш органнинг тортишга бўлган қаршилиги, N	Агрегатдаги иш органлар сони, dona	Тортишга бўлган умумий қаршилиқ, N
1	Трактор	5,0	-	-	4000
		7,0	-	-	4500
2	Машина	5,0	-	-	500
		7,0	-	-	700
3	Тиғли юмшатгич ўғитлагич	5,0	375	8	3000
		7,0	500		4000
4	Ўқёйсимон панжали ўғитлагич юмшатгич	5,0	500	4	2000
		7,0	750		3000
5	Пушта олгич	5,0	1300	5	6500
		7,0	1800		8000
6	Агрегатнинг тортишга бўлган умумий қаршилиги	5,0	-	-	12000
		7,0	-		15700

Бажарилган назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижасида асосланган параметрларга эга бўлган пушта олгич-ўғитлагич учун дастлабки талаблар ва техник топшириқ ишлаб чиқилди. Мазкур меъёрий ҳужжатлар асосида 1,4 классдаги тракторлар билан агрегатланадиган пушта олгич-ўғитлагични тажриба нусхаси тайёрланди (8-расм) ва хўжалик синовлари Андижон вилояти Балиқчи туманидаги «Келажак сардобаси» фермер хўжалигининг такрорий экиндан бўшаган шудгорланиб, текисланган даласида ўтказилди.



1-рама; 2-ўғит бункери; 3-микдорлагич; 4-тракторга осиш мосламаси; 5-таянч ғилдирак; 6-тиғли юмшатгич ўғитлагич; 7-ўқёйсимон панжали ўғитлагич; 8-харакатни узатувчи занжир; 9-пушта олгич.

8-расм. Пушта олгич-ўғитлагичнинг умумий кўриниши

Пушта олгич-ўғитлагич рама, ўғит бункери, микдорлагич, тракторга осиш мосламаси, таянч ғилдирак, тиғли юмшатгич ўғитлагич, ўқёйсимон панжали ўғитлагич, харакатни узатувчи занжир, пушта олгичдан ташкил топган бўлиб, экин майдонини экишга тайёрлашда бир йўла пушта ҳосил қилиш ва унинг икки қатламига минерал ўғитни

белгиланган шаклда пушта кенглиги бўйича юқорига ва пастки қатламга мос равишда кўпи билан 7–8 ва 12–13 см чуқурликда солиб кетади.

Синовларда пушта олгич-ўғитлагич белгиланган технологик жараёни ишончли бажарди. Унинг иш кўрсаткичлари ҳар иккала ҳаракат тезлигида ҳам экиш фонида қўйиладиган талабларга тўлиқ жавоб беради яъни пушта олгич-ўғитлагич агрегат йўналиши бўйича пушта кенлигида солинган ўғитни кўмиб кетиш жараёнини тўлиқ бажарди.

Ишлаб чиқилган пушта олгич-ўғитлагич қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этилганда мавжуд ўғит солгич ва пушта олгичларнинг ўрнини босади. Шундан келиб чиққан ҳолда иқтисодий кўрсаткичлар аниқланганда пушта олгич-ўғитлагич билан таққосланди.

Демак, пушта олгич-ўғитлагич қўлланилганда меҳнат сарфи 10,67 фоизга ва 1 гектар ерга сарфланадиган эксплуатацион ҳаражатлар эса 10,98 фоизга камади, олинадиган йиллик иқтисодий самара 18731348 сўмни ташкил этади.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўтказилган таҳлил натижалари ўғитлашда қўлланилаётган техник қурилмаларнинг такомиллаштирилганда ҳам ўғитлагич-пушта олгич воситаси сифатида фойдаланиш имконияти йўқлиги аниқланиб, ўғитни пуштага белгиланган схема асосида солинишини таъминловчи махсус қурилма ишлаб чиқишни тақозо этади.

2. Пуштага қатламлаб ўғит солиш усуллариининг самарадорлигини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, анъанавий усулга нисбатан кузда олинган пуштага икки қатламда пастки қатламга пушта кенлигида ўғит солиш усули пахта ҳосилдорлигини 3,9 ц. га ортганлигини кўрсатди.

3. Ўтказилган адабиётлар шарҳи ва изланишлар таҳлили ҳамда дастлабки тадқиқот натижалари асосида пушта кенлигида қатламлаб ўғит солиш технологияси ва уни амалга оширувчи пушта олгич-ўғитлагич машинаси ишлаб чиқилди.

4. Ўтказилган назарий тадқиқотлар асосида пушта олгич-ўғитлагич машинасини кам энергия сарфлаб, сифатли ишлашини таъминлаш учун унинг асосий иш органларининг қуйидаги параметрлари:

-пушта олгичнинг кўкрагини баландлиги камида 30 см, қанотларининг очилиши бурчаги $60-65^\circ$, тупроққа кириш бурчаги $40-45^\circ$, қанотларининг ён қирқилиш бурчаги $26-30^\circ$, қанотларининг кенлиги камида 84,6 см, корпусининг узунлиги 72,8 см бўлишлиги;

-ўқёйсимон панжали ўғитлагични қанотларини очилиш бурчаги $2\gamma=58-62^\circ$, тупроққа кириш бурчаги $\alpha=36^\circ$, тортишга қаршилиги агрегат ҳаракат тезлиги $V=5-7 \text{ km/h}$ бўлганда $R_{\gamma n}=516-656 \text{ N}$ бўлишлиги:

-тиғли юмшаткич ўғитлагични тупроққа кириш бурчаги $\alpha_{ю}=140^\circ$, тиғининг узунлиги $L_{миг}=187 \text{ mm}$, ўткирланиш бурчаги $\beta_1^1=27-29^\circ$ ва тортишга бўлган қаршилиги $R_{ю}=213 \text{ N}$ бўлишлиги;

- таклиф этилаётган ғалтакли миқдорлагич ғалтагини ташқи диаметри $D=60$ mm, ўқ жойланиши керак бўлган втулканинг ички диаметри $d_2=20$ mm ва унинг ташқи диаметри $d_1=26$ mm, ғалтак узунлиги $L=30$ mm, ғалтак новининг узунлиги $l_1=15$ mm, втулканинг узунлиги эса 50 mm га тенг бўлишлиги;

-ўғитни ўтказгичдаги ҳаракатини тадқиқ этиш билан ўғит ўтказгич эгилувчан бўлса, унинг эгрилигига ўтказилган уринма горизонталга нисбатан қиялиги $31-33^\circ$ дан юқори бўлиши, қиялик бурчаги эса вертикалга нисбатан 15° дан кўп бўлмаган қияликда ўрнатилиши асосланди.

5. Ўтказилган экспериментал тадқиқот натижалари тиғли ва ўқёйсимон панжали ўғитлагичларнинг тортишга бўлган қаршилиги агрегатнинг ҳаракат тезлиги 5,0-7,0 km/h бўлганда 370-500 N ва 470-680 N ни ташкил этганлигини кўрсатди.

6. Ўтказилган экспериментал тадқиқотларда агрегатнинг тортишга бўлган умумий қаршилиги ишлов бериш чуқурлиги 0,15 sm ва агрегат ҳаракат тезлиги 5,0-7,0 km/h бўлганда мос равишда 12000-15700 N ни ташкил этди.

7. Ишлаб чиқилган пушта олгич-ўғитлагич машинаси қўлланилганда меҳнат сарфи 10,67 % га ва 1 гектар ерга сарфланадиган эксплуатацион харажатлар 10,98 % га камайди, йиллик иқтисодий самара эса 18731348 сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/30.06.2021.Т.126.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АНДИЖАНСКОМ ИНСТИТУТЕ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ**

**АНДИЖАНСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИИ**

РАЗЗАҚОВ БАХОДИР АБДУРАХМОНОВИЧ

**РАЗРАБОТКА КОНСТРУКЦИИ И ОБОСНОВАНИЕ ОСНОВНЫХ
ПАРАМЕТРОВ ГРЕБНЕОБРАЗОВАТЕЛЯ-УДОБРИТЕЛЯ**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

АНДИЖАН – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2022.4.PhD/T3356.

Диссертация выполнена в Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: www.andqhai.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net/uz).

Научный руководитель:

Худойбердиев Талибжон Солиевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Байбобоев Набижон Гуломович
доктор технических наук, профессор

Худойбердиев Тохиржон Латифович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

“Андижанский машиностроительный институт”

Защита диссертации состоится 24 03 2023 г. в 19:00 часов на заседании Научного совета PhD 05/30.06.2021.T.126.02 при Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологии (Адрес: 170600, Андижанский область, Андижанский район, пос. Куйган-яр, улица Олийгох 1. Тел./факс: +998(74) 373-13-63, e-mail: admission@andqhai.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре при Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологии (регистрационный номер 62408). Адрес: 170600, Андижанский область, Андижанский район, пос. Куйган-яр, улица Олийгох 1. Тел./факс: +998(74) 373-13-63, e-mail: admission@andqhai.uz.)

Автореферат диссертации разослан « 7 » 03 2023 года

(Протокол рассылки № 8 от « 7 » 03 2023 года)



Р.Ж.Тожиёв

Председатель научного совета по присуждению
учебных степеней, доктор технических наук, профессор

А.К.Намбердиев

Учредитель научного совета по присуждению
учебных степеней, доктор технических наук, профессор

К.Косимов

Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению учебных степеней, доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире одно из ведущих мест занимает совершенствование технологии и технических средств для внесения удобрений в установленном количестве в зону развития корневой системы растений. При внесении минеральных удобрений в зону развития корневой системы растений повышается на 10-30 % их эффективность и на 10 % снижается их расход¹. Если учесть, что в мировом масштабе на площади около 900 млн га производятся различные виды продуктов сельского хозяйства², из них, на площади 118 млн га возделываются пропашные культуры³, то актуальными становятся вопросы широкого внедрения в практику энерго-ресурсосберегающих высокопроизводительных машин выполняющих одновременно качественную обработку почвы, гребнеобразование и внесение удобрений. В этом плане, считается важным использование энерго-ресурсосберегающих технических средств и устройств для послойного внесения удобрений по всей ширине образованного гребня.

В мире проводятся научно-исследовательские работы по разработке основ новых научно-технических решений по ресурсосберегающим технологиям и созданию технических средств для послойного внесения удобрений для питания растений. Поэтому, выполнение научных изысканий по разработке машины и конструктивной схемы его рабочих органов для внесения минеральных удобрений в несколько слоёв по ширине образованного гребня а также обоснование её технологического процесса работы, обеспечивающего ресурсосбережение при процессе взаимодействия почвы и удобрений актуальным вопросом, требующим решения.

В сельскохозяйственном производстве нашей Республики особое внимание уделяется снижению затрат труда и расхода энергии, экономии ресурсов, возделыванию сельскохозяйственных культур на основе передовых технологий а также разработке и применению высокопроизводительных сельскохозяйственных машин. В стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы а также в намеченной на 2020-2026 годы «Стратегии развития нового Узбекистана» «Интенсивное развитие сельского хозяйства на научной основе...» намечены ответственные задачи.

В выполнении этих задач важным является разработка комбинированной машины выполняющая вместе все технологические процессы по подготовке посевных площадей к посеву (рыхление и уплотнение почвы, образование измельченного слоя на поверхности поля, внесение удобрений в зону развития корневой системы растений) и обоснование параметров рабочих органов этой машины обеспечивающих согласно агротехнических требований высокое качество работы согласно и малый расход энергии.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит

